ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

45 (647)

2008 йил 5 ноябрь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

Саҳифада

2
- Хонадонингиз чироқсизми? Қарзингизни узинг!
- Саробга алданган, саргардон бўлганлар...

3
- Иноят момо — «Шуҳрат» соҳибаси
- Дамашқдаги мактаб нега ёпилди?

4
- Кўлиуштурум қовунлари ҳақида ...ривоят
- Олим оқсоқоллар ҳақида нима дейди?

Андижон вилояти

Кўрик-танлов

ЭНГ НАМУНАЛИ МАСЛАҲАТЧИ

Андижон вилоятида "Фуқаролар йиғининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танловининг минтақавий босқичи якунига етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан ҳудудда камида 500 нафар оила яшайдиган барча маҳалла фуқаролар йиғинларида, шунингдек, таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган шаҳар, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Ҳозирги кунда республикамиз бўйича фуқаролар йиғини кенгашида 8047 нафар маслаҳатчи фаолият кўрсатмоқда.

Маҳалладаги кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга кўмак бериш, муаммоли, нотинч оилалар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказиш, хотин-қизлар, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, миллий анъаналар, урф-одатларни сақлаб қолиш ҳамда тарғиб қилиш каби ишларни амалга ошириш айнан маслаҳатчилар томонидан олиб борилади. Бу борада уларнинг иш фаолиятини ўрганиш ҳамда тажрибасини ошириш мақсадида 2005 йилдан буён Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ва Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида анъанавий тарзда "Фуқаролар йиғининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловини ўтказиб бориш йўлга қўйилган.

Жорий йилда ўтказилган танловнинг якуний босқичи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ғолибларининг тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ҳудудларни қўйидаги 3 та минтақавий босқичга бўлган ҳолда ўтказилмоқда. Андижон вилоятида Тошкент шаҳри, Фарғона, Наманган ва Тошкент вилоятлари, Навоий вилоятида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятлари ҳамда Сурхондарё вилоятида Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари иштирокида ўтказилиши белгиланган.

31 октябрь куни Андижон вилоятида ғолиб маслаҳатчилар ўзаро беллашдилар. Баҳолаш мезонида уларнинг ҳукумат қарорлари ва Низомда белгиланган вазифалари бўйича билими ва амалдаги фаолияти ҳисобга олинди.

Танлов натижаларига кўра Андижон вилояти Хонобод шаҳри "Анҳор" маҳалла фуқаролар йиғининнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Кароматхон Мўминжонова биринчи, Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани "Чақар" маҳалласи маслаҳатчиси Сайёра Муҳамедова иккинчи ва Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Ўртаовул қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Нигора Холхўжаева учинчи ўринга муносиб топилдилар. Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Тўхтахон Муллахўжаева ва Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Ҳамида Мирзаева рағбатлантирувчи ўринларга сазовор бўлишди.

Кўрик-танлов ғолиблари Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ва Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан компьютер, ишхона мебели, факс аппарати ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитасининг диплом ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

аввало инсон саломатлигига хизмат қилади

Ҳар бир мамлакатнинг тараққиёт мезонини тиббиёт соҳасига бўлган эътибор ва унинг ривожланиш даражаси белгилайди. Қолаверса, ривожланган мамлакатларда малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқларидан бири саналади. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IX боби 40-моддасида ҳар бир юртдошимизнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида юртимизда соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самараси ўлароқ, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилиши таъминланмоқда.

Айни кунда юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари, тез тиббий ёрдам кўрсатиш ва скрининг марказлари фаолияти йўлга қўйилгани фикримизнинг яна бир исботидир. Ўзбекистонлик шифокор-мутахассислар томонидан энг мураккаб тиббий амалиётлар муваффақиятли адо этилаётгани, айниқса, қувонарли. Бундан ташқари, малакали тиббиёт ходимларини, етук шифокор-мутахассисларни тайёрлаш масаласи ҳам соҳадаги ислоҳотлар сирасига киради. Шу мақсадда тиббий таълим соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилмоқдаки, ўз ўрнида тиббиёт ходими бўлиш истагидаги ёшларимиз сафи йилдан-йил кенгайиб боряпти. Энг муҳими, ёш авлодни соғлом вояга етказиш мақсадида оналар ва болалар саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш борасида белгиланган тадбирлар самараси яққол кўзга ташланади.

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Халқобод қўрғонида жойлашган туман марказий туғруқхонасида ҳар йили 2800-3000 нафар чақалоқ дунёга келади. Чақалоқлар дунёга келган сонияданоқ малакали шифокор-мутахассисларнинг меҳр-эътиборидан баҳраманд бўладилар.

СУРАТДА: *шифокор-неонатом Клара Алиева (чапда) ва ҳамшира Махсуда Топилова.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Тайёргарлик давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 30 сентябрдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қарорига биноан, жорий йил ноябрь ойидан эътиборан жойларда фуқаролар йиғинларига сайловлар бошланди. Хусусан, 3 ноябрь ҳолатига кўра, Тошкент шаҳри туманларидаги 27 та, Бухоро вилояти Олот туманидаги 1 та, Қоракўл туманидаги 2 та ҳамда Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 4 та ўзини ўзи бошқариш органларида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди.

Сайловларда кўпчиликнинг ишончига сазовор бўлган, тажрибали номзодларнинг раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари этиб сайланаётгани ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирнинг ҳаққоний ўтаётганини билдиради.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бошланиш арафасида турган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида эса муҳим тадбирга тайёргарлик ишлари давом этмоқда.

Хоразм вилоятида сайловларни юксак савияда, ўзаро ҳамжиҳатлик ва уюшқоқлик билан ўтказишга шароит яратиш мақсадида бажарилаётган ишлар ниҳоясига етай деб қолди.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги йиғилишларида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига оид масалалар муҳокама этилиб, белгиланган тадбирлар режасининг мавжуд қонунлар асосида бажарилаётгани мунтазам таҳлил қилиб борилаётир.

Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларни тавсия этишда уларнинг ташкилотчилик қобилиятига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни маҳалла тузилмаси миқёсида татбиқ эта олиш имкониятига жиддий эътибор қаратяпти.

Наманган вилоятида фуқаролар йиғинларига ўтказилаётган сайловларда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди.

— Туман ҳудудидаги фуқаролар йиғинларида тузилган сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари томонидан аҳолининг фикр-мулоҳазалари пухта ўрганилган ҳолда фуқаролар йиғинлари раислигига номзодлар кўрсатиш жараёни якунига етмоқда, — дейди фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Чуст тумани комиссияси раиси Муҳсинхон Бобохонов. — Айни пайтда туманимизда маҳаллалардан уларда яшовчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан сайланган вакилларни фуқаролар йиғинида иштирок этиши учун рўйхатга олиш ишлари олиб борилмоқда.

МУХБИРЛАРИМИЗ.

КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛДИ

Ёшлар ўртасида футбол бўйича Саудия Арабистони яшил майдонларида давом этаётган Осиё чемпионатининг "D" гуруҳидаги иккинчи тур учрашувида Ўзбекистон ва Австралия терма жамоалари ўзаро куч синашди.

Майдонда устунлик қилган футболчиларимиз ҳисобни ўттиз саккизинчи дақиқада очди. Бу вазиятда ўз маҳоратини намойиш қилган жамоамиз сардори Шерзод Каримов австралияликлар посбони Эндрю Рэдмайнни ожиз қолдирди - 1:0.

Ҳамюртларимиз учрашувнинг эллигинчи дақиқасида қўпол хатога йўл қўйди. Рақиб футболчиси Таж Майнникон вазиятдан унумли фойдаланиб, Дониёр Усмонов дарвозасини ишғол қилди.

Ўйин 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа билан якунланди ва ҳар икки жамоа чорак финалга чиқиш учун асосий даъвогарлигича қолди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Таиланд ёшлар терма жамоаси вакиллари иорданиялик тенгқурларини 3:2 ҳисобида доғда қолдирди.

Ҳал қилувчи — учинчи тур беллашувида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси таиландлик футболчиларга қарши майдонга тушади. Ушбу баҳсда футболчиларимизни дуранг натижа ҳам қониқтиради.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?

— Оқсоқолнинг табиатида дангалчилик, бироз чапанилик бўлса, зарар қилмайди.

МУНОСИБ НОМЗОДНИ САЙЛАШ

аҳоли фикрини инобатга олган ҳолда амалга оширилади

Юртимиздаги мавжуд 10 минг 118 та фуқаролар йиғининнинг барчасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари томонидан сайлов ўтказиладиган кун, вақт ва жойни белгилаш, унга тайёргарлик кўриш ишлари олиб борилмоқда. Бу ижтимоий-сиёсий тадбирда фуқароларнинг фаол иштирок этаётгани ўзи истиқомат қилаётган қишлоқ, маҳалла ва овулнинг янада обод бўлиши, аҳоли турмушининг фаровонлиги учун қайғураётганидан далолат беради.

Таъкидлаш керакки, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига муносиб номзодни тақдим этишда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи аъзоларининг алоҳида ўрни бор.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳининг ваколатлари ва фуқаролар йиғинини (вакиллар йиғилишини) чақириш тартиблари белгилаб қўйилган. Хусусан, ишчи гуруҳи таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғининнинг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотларининг, корхона, муассаса ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари киритилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари ишчи гуруҳи таркибига киритилиши мумкин эмас. Бордию, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар ишчи гуруҳига аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар ишчи гуруҳи таркибидан чиқарилиши лозим.

Сайлов пайтида ошкоралиқни таъминлаш, энг муносиб номзодларни қўллаб-қувватлаш учун адолатли сайлов муҳитини яратиш элюрт ғамида ёниб яшайдиган, фидойи инсонларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) этиб сайланишига сабаб бўлади. Бунда, албатта, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи аъзолари зиммасига улкан масъулият юкланиши тайин. Аввало, улар фуқаролар йиғини иштирокчиларини рўйхатга олиб, вакиллар йиғилиши ўтказилишидан камида беш кун олдин бу ҳақда ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилиши керак. Қонунга кўра, фуқаролар вакилларининг йиғилишида ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан уларда яшовчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан сайланадиган намояндалар вакил сифатида иштирок этишади. Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи туман ёки шаҳар комиссияси фуқаролар вакилларининг йиғилишига вакиллик нормасини белгилайди.

Шунингдек, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари аҳоли фикрини инобатга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлайди, сайловни ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ҳам олиб боради.

Қонунга кўра, зарурат туғилса, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчиларининг такрорий сайлови ўтказилишини ташкил этиш ҳам ишчи гуруҳ зиммасига юклатилган. Бунда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган тақдирда, энг кўп овоз тўплаган икки номзод иштирокида такрорий сайлов ўтказишни ташкил этиш назарда тутилади.

Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи ва фуқаролар йиғини томонидан олиб бориладиган бу каби ишлар, энг аввало, сайловнинг ҳаққоний ўтишини таъминлашга қаратилган. Шундай экан, ҳар бир фуқаро буни чуқур англаган ҳолда сайловларда фаол иштирок этиши ва муносиб номзодга овоз бериши лозим. Ана шундагина фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови юртимизда фуқаролик жамиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

Азиз муштарий! Севимли нашрингиз «MAHALLA» газетасига обуна бўлишга шошилинг!

Қонун моҳияти

МАСЛАҲАТЧИ ФАОЛИЯТИ МЕЗОНЛАРИ

Шу кунларда бўлиб ўтаётган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида раис (оқсоқол) маслаҳатчиларини сайлаш жараёни муҳим аҳамиятга молик масаладир. Шу боис, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодларни тақдим этиш ва уларни сайлаш тартибини мукаммал билиш фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари ва фуқаролар йиғини раислигига кўрсатилган номзодлар учун фойдадан холи бўлмайди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгилаб қўйилганидек, фуқаролар йиғининнинг қарорларини бажариш ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролар йиғинлари оралиқ давридаги жорий фаолиятини амалга ошириш учун йиғиннинг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, йиғин фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари ва масъул котибидан иборат таркибда йиғиннинг кенгаши тузилади. Амалиёт шуни кўрсатадики, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссия раислари маслаҳатчилар орасидан сайланади.

Фуқаролар йиғини томонидан шакллантириладиган органлар тизимида йиғин раисининг маслаҳатчилари етакчи ўринни эгаллайди. Чунки маслаҳатчилар аҳоли номидан жойлардаги муайян соҳалари бўйича муҳим масалаларни ҳал қилишда ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этади.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайланган йиғин раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади. Маслаҳатчилар вазифасига номзодлар кўрсатишда, аввало, уларни сон жиҳатидан аниқлаш лозим. Қоида тариқасида, раисликка кўрсатилган номзод тегишли тартибда тасдиқдан ўтгандан сўнг сайлов кунига қадар маслаҳатчилар вазифасига номзодларни танлайди. Уларнинг миқдорий таркиби неча кишидан иборат бўлиши ҳудуддаги ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзе ва даҳалардан вакилликни ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгиланади.

Шунингдек, уларнинг миқдорий таркиби ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган ҳудуднинг катталиги, аҳоли сони, ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва бошқа жиҳатларига ҳам боғлиқ.

Қолаверса, раис маслаҳатчиларининг миқдорий таркибига доир масала унинг фаолият самарадорлиги жиҳатидан ўта муҳимдир. Маслаҳатчилар сони кўп бўлса, аҳолининг манфаатлари тўлароқ ифода этилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, маслаҳатчи вазифасига муносиб номзодларни тақдим этишда мазкур ишни бажаришга тайёргарлиги бор, вазифани уддалашга қурби етадиган фуқароларни ҳисобга олиш зарур.

Бундан ташқари, маслаҳатчилар маҳаллий аҳолининг жинсий, ёш, ижтимоий, миллий, тил ва конфессионал тузилишига мувофиқ ҳолда танланиши ҳам мумкин. Яъни, маҳаллий аҳоли таркибини маслаҳатчилар таркиби билан мувофиқлаштириш эҳтиёжини энг малакали ва инсонларнинг қайғу-ҳасратларини ифода эта оладиган фуқаролардан сайлаб олиш зарурати билан муросага келтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Аҳолининг демографик тузилишига ва бошқа хусусиятларига мос равишда маслаҳатчиларга номзод танлашни фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ҳал қилади.

Фуқаролар йиғини раислигига номзод бўлажак маслаҳатчиларининг ким бўлиши кераклигини белгилаб олади. Демак, йиғин раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланувчи ҳар бир номзод синчковлик билан танлаб олинган ўз маслаҳатчиларига номзодлар рўйхати билан сайловга келади. Таъкидлаш жоизки, маслаҳатчилар, албатта, тегишли ҳудудда яшаши ва доимий рўйхатдан ўтган бўлиши керак.

Қоида тариқасида, янги сайланган раис ўз маслаҳатчилари вазифасига номзодларга таъриф бериб чиқади. Нима учун айнан мазкур номзодларни тавсия этаётганини, уларнинг миқдорий таркибини белгилаш ҳақидаги қарорини асослаб беради. Фуқаролар йиғини очиқ ёки яширин тарздаги овоз бериш шаклини белгилайди ва уларни сайлайди.

Мамлакатимиз қонунчилигида оқсоқолнинг маҳалла ҳаётидаги ўрни ва роли тарихий анъаналаримиз, миллий қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда аниқ белгиланган. Оқсоқол азалдан маҳаллада ҳурмат-эътиборга эга инсон бўлган. Оқсоқолни маҳаллий аҳоли сайлайди ва унга ишонч билдиради. Ўз навбатида қонун унга ўз маслаҳатчилари таркибини фуқаролар йиғининнинг маълум иштироки, розилиги билан шакллантириш имконини беради.

Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари.

Тошкент шаҳри

ДЕМОКРАТИЯ ВА ОШКОРАЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови муносабати билан Шайхонтоҳур тумани миқёсида фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла фаоллари, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари аъзоларининг кенгайтирилган тартибдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Сайлов кампанияси бошланган кундан ҳозирга қадар тумандаги барча фуқаролар йиғинларида сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари тузиб бўлинди. Ишчи гуруҳлари олдида турган асосий вазифалар фуқаролар йиғини раиси вазифасига номзодлар кўрсатиш, ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирни юқори савияда ўтказишдан иборат.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси вазифасига номзодлар бирор бир сиёсий ташкилот ёки бошқа муассасалар томонидан эмас, балки тегишли ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг хоҳиш-иродаси инобатга олинган ҳолда, мазкур ҳудудда доимий яшаётган аҳоли вакиллари фуқаролар йиғининнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ишчи гуруҳлари томонидан кўрсатилади. Бу сайловда тенг ҳуқуқлиликни таъминлашга, қолаверса, тадбирнинг демократия ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтишига имкон яратади.

— Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари зиммасидаги муҳим вазифа маҳаллаларда аҳолини кўпроқ ташвишлантираётган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг долзарблиги даражасини белгилашдир, — дейди йиғилишда иштирок этган Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзоси Абдураҳмон Бобоев. — Натижалар асосида мавжуд муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман (шаҳар) комиссиялари аҳолининг мурожаатларини пухта ўрганиб чиқадилар. Жойларда сайловни ўтказиш жараёнида дуч келинган муаммолар ҳақида маълумотлар жамланиб, улар сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш нуқтаи назаридан муҳокама этилади.

Қадимий анъана ва урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизнинг бешиги бўлган маҳалла тузилмаси, унинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги аҳамияти бугунги кунда хорижлик мутахассисларда ҳам қизиқиш уйғотмоқда. 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро йиғин оқсоқоли вазифасига номзод сифатида кўрсатилиш ва сайловда ўз овози билан иштирок этиш ҳуқуқига эга экани ҳамда қонунда белгилаб берилган демократия тамойилларига хос бошқа ҳусусиятлар мазкур тузилма фаолиятига нисбатан юқори баҳо беришга асос бўлади.



Фуқаролар йиғинлари фаолларининг йиғилишида сўзга чиққанлар шу каби масалаларга алоҳида тўхталиб, тадбир иштирокчиларини муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнда фаол иштирок этишга чақиришди.

Шунингдек, йиғилишда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси аъзолари, «Маҳалла» жамғармасининг республика бошқаруви ҳамда туман бўлинмасидан вакиллар иштирок этди.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Сайловдан сайловгача

Андижон вилояти

ҒАЙРАТИ БОР ОДАМЛАР

Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, республикамиздаги барча қишлоқ ва маҳаллаларда кўпгина ўзгаришлар кузатилмоқда.

Салкам тўрт минг нафар фуқаро аҳоли истиқомат қиладиган Андижон шаҳридаги "Ғайрат" маҳалласи фуқаролар йиғинида ҳам шу каби ислоҳотларнинг гувоҳи бўлишингиз мумкин. Ёшлар йили муносабати билан ҳудудда йигит-қизлар учун Ёшлар маркази ташкил этилди. Шу билан бирга маҳалланинг 250 нафар йигит-қизлари доимий иш билан таъминланганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Ғайратликлар ободонлаштириш ишларида ҳам ғайратли. Ўтган йили маҳалладаги Тўхтасин Келдиев кўчасига тўла янги асфальт ётқизилган бўлса, жорий йилда Пиллакаш ва Ғайрат кўчаларини туташтирувчи янги кўча барпо этилиб, асфальтланди. Бу билан аҳоли ва транспорт қатнови анча осонлашди, ҳаракат хавфсизлиги таъминланди. Андижон шаҳрининг серқатнов кўчаларидан бири бўлган Чўлпон шоҳкўчасини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда маҳалла аҳли ҳамиша фаол иштирок этиб келади.

Маҳаллада истиқомат қилувчи 128 та кам таъминланган оила рўйхатга олинган бўлиб, уларга доимий равишда моддий-маънавий кўмак кўрсатиб борилади. Ўтган икки йил мобайнида мана шундай оилалардан 12 тасига ҳомийлар кўмагида қорамол ҳадя қилинди.

Маҳалла аҳли ўтган гал сайловларда катта ишонч билан Илҳомжон Толиповни йиғин раислигига сайлаган эдилар. Йиғин раиси маслаҳатчи Дилбархон Йўлдошева, котиба Жамилахон Хурбоева, посбонлар сардори Бахтиёр Каримов ва фаоллар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, халқ ишончини оқлади.

— Маҳаллада ўтказилаётган ислоҳотларга бевосита аҳоли билан мулоқотлар чоғида асос солинади, — дейди маҳалла оқсоқоли Илҳомжон Толипов. — Маҳалламиздаги фойдаланилмай ётган бинони ҳашар йўли билан Ёшлар маънавият ва маърифат марказига айлантирдик. Бу борада тадбиркорларимиз ҳам қўл қовуштириб ўтирмадилар. Ушбу масканда ёшларимиз газета-журнал ўқиши, шахмат-шашка ўйнаб ҳордиқ чиқариши, бир сўз билан айтганда, маънавий дунёсини бойитиши учун кенг имкониятлар яратилган.

Ёшлар марказидаги бунёдкорлик ишлари якунлангач, маҳалла аҳли бино ёнидаги бўш майдонга маҳалла фуқаролар йиғини идорасини қуриш режасини туздилар. Таклиф шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳам маъқулланди. Маҳалла тадбиркорлари эса тижорат дўкони, қассобхона, новвойхона қуриш ташаббуси билан ишга киришдилар.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

2008 йил — Ёшлар йили

Фарғона вилояти

Янгиқўрғонда янги коллеж

Бувайда тумани марказидан қарийб 15 километр олисда, Янгиқўрғон — Бувайда катта автомобиль йўли ёқасида қад ростлаган тиббиёт йўналишидаги коллеж қадим қишлоқ қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Миллий ва замонавий меъморчилик усублари уйғунлашган ҳолда бунёд этилган ушбу билим маскани қурилиши учун 1 миллиард 835 миллион сўм маблағ сарфланди, қурилиш-монтаж ишларини 103-хўжаликлараро механизациялашган кўчма корхона бунёдкорлари амалга оширдилар.

Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

Айни кунда коллежда 615 нафар қишлоқ ёшлари даволаш ишлари ҳамшираси, умумий амалиёт ҳамшираси, лаборатория иши бўйича тиббий мутахассис йўналишларида билим олмоқда. Кенг ва ёруғ ўқув хоналари, компьютер синфхоналари, кимё, физика фани ҳамда соҳага оид лаборатория жиҳоз ва ускуналари воситасида қишлоқ ёшлари малакали мутахассис бўлиб етишиши, шубҳасиз. Қишки ва ёзги спорт мажмуаси, барча шарт-шароитларга эга 50 ўринли ётоқхона коллеж ўқувчилари ихтиёрида.

Ушбу сурат лавҳа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан

14-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фиқрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатлар туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига сайловдан камида ўн кун олдин топширилади.

15-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларга қўйиладиган талаблар

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши ва сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши, шунингдек, ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек, суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

16-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдорий таркибини белгилаш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдорий таркиби ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан вакилликни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини томонидан белгиланади.

17-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар тақдим этиш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади.

Қонун кучи — устувор

Хоразм вилояти

САРОБГА АЛДАНИБ САРГАРДОН БЎЛМАНГ!

Худойбердининг қўлида гулдек ҳунари бор. Тирикчилиги ҳам ана шу ҳунари ортидан. Лекин кейинги пайтларда негадир унинг иши юришмай қолди. Тўғрироғи, ўзи дурустроқ иш топишнинг пайидан бўлмади. Кайфияти тушиб, хардамкаёл бўлиб юрган кунларининг бирида таниши Бахтиёр йўқлаб келди:

— Рози бўлсанг, Қозоғистонда сенбоп яхши иш бор. Ойига 200 доллар, ғайрат қилсанг, ундан ҳам кўпроқ пул топишинг мумкин. Бориш-келиш, озиқ-овқат бепул!

Бекорчилик жонига теккан Худойберди бу таклифга дарров рози бўлди. Қозоғистон Республикасининг Қизил Ўрда вилоятига бориб, Оқил исмли кишининг хонадонида ишлай бошлади. Бир ой ўтгач, маош берилишини кутди. Аммо икки ой ўтса ҳамки, хўжайин маош ҳақида сўз очай демасди. Боз устига, Бахтиёр ҳам шу кетганча дом-дараксиз кетди. Худойберди нима қилишини билмай, боши қотди. Ахир оиласи ундан пул келишини кутиб турибди. Пул олган заҳоти, почта орқали жўнатаман, деганди. Ўйлаб-ўйлаб, Оқил билан гаплашишга қарор қилди.

— Иш ҳақингни Бахтиёр билан ҳисоб-китоб қилиб бўлганман. Бошқа пул бериш ниятим йўқ. Сен тезроқ ишни тугатишни ўйла!

Бу гапларни эшитган Худойберди ўзини бошига бир челак совуқ сув ағдарилгандек ҳис қилди, чунки дўстидан бундай иҳонатни кутмаганди. Бир амаллаб Оқилникидан қочишга муваффақ бўлган Худойберди турли хонадонларда ишлаб, қайтиш учун пул йиғди. Уйга келган куниёқ ҳаялламай Бахтиёрникига борди. Эшикни унинг хотини Г.Шарапова очди.

— Эрингиз бизни 9 ой ишлатиб, бир тийин ҳам бермади, — деди у. — Менга 2,5 миллион сўм бериши керак. Ҳозир пулга жудаям муҳтожмиз, қаердан бўлса ҳам топиб берсин.

— Эримнинг ишлари ҳақида ҳеч нарса билмайман, — деди Г.Шарапова. — Икковингиз гаплашиб, келишиб олинглар. Эрим уйда эмас, қачон келишини ҳам айтмаган.

Худойберди ноилож ортга қайтди. Маълум бўлишича, у бошқа фуқароларни ҳам алдаб, одам савдоси билан шуғулланган экан. Бошқа бировларнинг ишончига кириш учун «Отам Қозоғистоннинг Атроу вилоятидаги Акистау шаҳрида ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Сизлар ҳам ўша жойга бориб ишласангиз, ойига камида 500 доллардан ҳақ оласиз» деб алдаган ва мўмай пулга сотган.

Ҳозирги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг ортгани сир эмас. Амалдаги қонунларимизда одам савдоси билан шуғулланган шахслар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 135-моддасига кўра жиноий жавобгарликка тортилиши кўзда тутилган. Айбдор-ку, жазосини олар. Бироқ алдов, фириб тўрига билиб-билмай илиниб қолган инсонлар умрининг беҳудага совурилган ғанимат лаҳзаларини ортга қайтариб бўлармикан?!

Эрназар РАЖАПОВ,
Жиноят ишлари бўйича Хива тумани суди раиси вазифасини бажарувчи,
Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

"Янги авлод — 2008"

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР — ЭЪТИБОРДА

Ёш иқтидор соҳибларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилаётган "Янги авлод-2008" болалар ижодиёти фестивалининг Фарғона вилояти босқичи якунланди.

Иштирокчилар классик, вокал, миллий чолғу асбоблари ижрочилиги, рақс, тасвирий санъат ва бадиий ижод йўналишларида ўз истеъдодини намойиш этди.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, турли кўрик-танловларнинг ташкил этилиши ёш истеъдод эгаларини кашф этиш имконини бермоқда. Бир неча йилдан бери ўтказиб келинаётган "Янги авлод" фестивали ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

— Иштирокчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Тоҳиржон Шокиров. — Буни фестивалнинг вилоят босқичида тўрт юздан зиёд ўғил-қиз қатнашгани ҳам кўрсатиб турибди.

Ғолиб чиққан 12 нафар ўқувчи фестивалнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

«Mahalla» жавоб беради

Савол: **Кўпқаватли уйда яшайман. Бизга хизмат кўрсатувчи хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига 2 йиллик коммунал тўловларни олдиндан тўлаш мақсадида мурожаат қилгандим. Улар фақат келгуси бир йил учун тўловлар қабул қилинишини айтишди. Шу тўғрими?**

Х.Абдуллаев, Тошкент шаҳри.

Жавоб: *Уй-жой мулкдорлари ширкатида сизнинг мурожаатингизга коммунал хизмат нархининг йил давомида ўзгариб боришини ҳисобга олган ҳолда жавоб беришган. Коммунал тўловни олдиндан тўлаш масалалари «Шаҳар ва аҳоли яшаш жойларида уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш харажатларини ҳамда коммунал тўловларни тўлаш тўғрисида»ги Низомда («Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан 2002 йил 12 августда тасдиқланган) белгилаб қўйилган. Низомга кўра, уй-жой эгалари томонидан олдиндан аванс сифатида тўланган тўловлар 12 ой ичида тарифлар ошган тақдирда қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.*

«Mahalla» жавоб беради

Савол: **Хонадонимизда фойдаланилган электр-энергия сарфи учун қарздорлик мавжуд эди. Шу туфайли электр таъминоти идораси вакили томонидан хонадон электр тармоғидан узиб қўйилди. Агар қарз тўлиқ тўланса, узилган электр тармоғини қайта улаш электр таъминоти идораси томонидан амалга оширилади-ми?**

Ф.Ражабов, Фарғона вилояти.

Жавоб: *Электр энергиясидан фойдаланганлик учун тўловлар бўйича қарздорлик муддати уч ойдан ошган тақдирда электр таъминоти ташкилоти электр энергияси узатилишини тўхтатишдан бир ой олдин сизни огоҳлантириши керак. Шунда ҳам тўлов тўланмаса, хонадонда электр энергияси тармоғи узиб қўйилиши мумкин. Агар сиз қарзингизни узган ҳамда қайта уланиш харажатларини қоплаган бўлсангиз, навбат бўйича электр энергияси таъминоти тикланади. Электр таъминоти ташкилоти ва абонент ўртасидаги барча низоли масалалар қонун асосан ҳал қилинади.*

Таълим

ҲУНАР ЭГАСИ — ЮРТНИНГ МЕВАСИ

улар касб-ҳунар коллежларида билим олиб, ҳунар эгалламоқдалар

Абдумалик ака — моҳир ёғочсоз уста. Унинг қўлида сайқал топган нақшинкор эшик-ромларнинг довруғи катта. Лекин устанинг бир армони бор: «Уста кўрдиму, илм кўрмадим, кенжа ўғлимни ҳунаримнинг давомчиси қилиб ўқитаман», дерди у. Шундай бўлди ҳам. Фарзанди туман марказида қад ростлаган замонавий касб-ҳунар коллежида «Қурилиш ва лойиҳалаш» йўналиши бўйича ҳам билим олди, ҳам ҳунар эгаллади. Бугун ана шу кенжа фарзанди — устанинг қаноти.

— Энг муҳими, коллежни битирган ўғлим ҳар бир ишни ҳисоб-китоб билан бажаришни ўрганди, — дейди Абдумалик ака ифтихор билан.— Қурилишга оид чизмаларни компьютерга солиб, лойиҳалар яратаётганини кўриб, ҳавасим келади.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда ёшларнинг касб-ҳунар сирларини эгаллашига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боисдан миллий қадриятларимиз асосида шакланиб келган кулолчилик, темирчилик, дурадгорлик, заргарлик, дўппидўзлик каби ҳунармандчилик турлари замон талабига мос равишда такомиллашиб боряпти. Бу борада республикамизда қад ростлаётган замонавий касб-ҳунар коллежларининг ўрни катта бўлаётир.

— Албатта, бунёд этилаётган замонавий таълим масканларида ёшларимизнинг билим, касб-ҳунар эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директорининг ўринбосари Олим Жўраев.— Энг асосийси, касб-ҳунар коллежлари талабалари ўқиш жараёнида ўзлаштирган назарий билимларини амалий машғулотлар орқали мустаҳкамлаб борадилар.

Маълумки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда қабул қилинган «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида юртимизда ўрта умумтаълим мактабларининг 10-11 синфлари тугатилиб, ўқувчи ёшларнинг таълим олишни замонавий касб-ҳунар коллежларида давом эттириши йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда республикамизда 1332 та касб-ҳунар таълими муассасаси мавжуд бўлиб, уларнинг 127 таси академик лицей ва 1205 таси коллежлардир. Уларда 1 миллион 312 минг 619 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Жорий йил бошида 20 та академик лицей, 164 та касб-ҳунар коллежи қурилиши бошланган бўлса, бугунги кунга келиб лицейларнинг 18 таси, коллежларнинг 144 таси фойдаланишга топширилди. Яна 2 та лицей ва 20 та коллеж йил якунида ишга туширилиши режалаштирилган. Мазкур ўқув юртлари замонавий ахборот технологиялари, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва янги ўқув адабиётлари билан таъминланган.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, «Ёшлар йили» Давлат дастурининг ижроси бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда минтақалар бўйича кадрларга бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда, 11 та янги мутахассислик ва 40 дан ортиқ янги касб-ҳунар йўналишлари жорий этилди. Ҳозирда ушбу мутахассисликлар бўйича таълим жараёнини тартибга солувчи тажрибавий ўқув-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатимиз Президенти томонидан жорий йилда имзоланган Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида «Қурилиш-пардозлаш ишлари», «Дурадгорлик ва паркет ишлари», «Сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш» мутахассисликлари очилди. Ушбу мутахассисликларнинг ўқув-меъёрий ҳужжатлари меҳнат бозори талаблари асосида соҳа мутахассислари, иш берувчилар, амалиётчилар, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг тажрибали муҳандис-педагоглари билан ҳамкорликда қайта ишлаб чиқилди. Яқин йиллар ичида бу мутахассисликлар бўйича малакали ёш кадрлар тайёрланиб, соҳа фаолиятида мавжуд муаммолар ечимига кенг йўл очилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон-Корея лойиҳаси доирасида Ўзбекистонда катта ёшлилар таълимини йўлга қўйиш бўйича кореялик экспертлар иштирокида махсус ўқувлар ташкил қилинди. Унда «Машинасозлик технологияси», «Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш», «Информатика ва ахборот технологиялари», «Электрон техника буюмларини йиғиш» бўйича лойиҳавий ўқув режалари ва фан дастурларининг ишлаб чиқилгани соҳада эришилаётган ютуқларимиздан биридир.

Бугунги кунда касб-ҳунар коллежларини малакали ва тажрибали педагог кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Касб-ҳунар таълими муассасаларига ўрта умумтаълим мактабларининг тажрибали юқори синф ўқитувчилари ҳамда олий таълим муассасаларини давлат гранти асосида тугатиб, йўлланма асосида ишга юборилган мутахассислар танлов асосида ишга қабул қилинятти.

Хуллас, бугун юртимизда ҳар бир йигит-қизнинг сифатли таълим олиши, ижодий изланиши ва меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масканлари фаолияти ҳам шу мақсадга қаратилган. Ёшлардан эса фақат қунт билан ўқиш, ҳунар сирларини мукаммал эгаллаш талаб этилади.

Бектош ИСМОИЛОВ,
«Mahalla» мухбири.

Қишга тайёргарлик – долзарб вазифа

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 29 майда қабул қилинган "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2008-2009 йиллар учун куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Қорақалпоғистон Республикасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Нукус шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишда газ ва электр энергияси тармоқларини қиш мавсумига тайёрлаш борасидаги ишлар атрофлича муҳокама этилди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б.Янгибоев бошқарди.

Йиғилишда куз-қиш ойларида истеъмолчиларни электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлаш, етказиб берилган электр ва газ учун қарздорликнинг асоссиз ўсиб кетишига йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланди.

Мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар асосида коммунал хизмати кўрсатувчи ташкилотлар томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2 минг 162 километр электр линияси, 41 трансформатор таъмирланди, 5 минг 788 километр узунликдаги электр линияси тозаланди. Шунингдек, 16,2 километр газ қувурларини тозалаш, 35,5 километр қувурларни капитал реконструкция қилиш, 14 километр газ тармоқлари ва беш ярим минг газ тақсимлаш шохобчаларини таъмирлаш ишлари бажарилди.

Қорақалпоғистон Республикасида жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, етказиб берилган электр энергияси учун 29 миллиард 672 миллион сўм, табиий газ учун 15 миллиард 515 миллион сўм дебитор қарздорлик мавжудлиги аниқланган. Бу кўрсаткич, айниқса, Тахиатош ва Нукус шаҳарлари, Хўжайли ва Нукус туманларида ошиб бораётганлиги танқид қилинди.

Йиғилишда "Ўзбекэнерго" давлат акционерлик компанияси бошқаруви раиси Б.Тешабоев, "Ўзтрансгаз" компанияси бош директори Э.Вагапов ва бошқалар сўзга чиқиб, энергетика тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, энергия ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш борасида жорий этилаётган замонавий технологиялар, қиш мавсумида аҳолини электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлаш масалалари хусусида сўз юритдилар.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Россия:

ПАВЛЕЦКИЙДА ПОРТЛАШ

Сешанба куни эрта тонгда Москвадаги Павелецкий темир йўлида портлаш рўй берди, дея хабар тарқатди РИА Новости.

Россия пойтахтининг ички ишлар бошқармаси портлаш шаҳарнинг жанубий қисмида, Москва катта автомобиль халқа йўли яқинида рўй берганини тасдиқлаган. Дастлабки текширувлар натижасида темир йўлга жуда яқин жойда қўлбола портловчи ускуна ҳаракатга келтирилгани аён бўлди. Портлаш юз берган жойда темир йўл рельслари қўпорилиб кетган ва электр тармоқлари ишдан чиққан. Портлашдан азият чекканлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Павлецкий темир йўл тармоғида ҳаракатланиш вақтинча тўхтатилган.

Таиланд:

ҚЎПОРУВЧИЛИК КИМНИНГ ИШИ?

Кеча Таиланднинг Наратхиват вилояти ҳудудида учта қўпорувчилик ҳаракати содир этилган. Бу ҳақда Associated Press агентлиги хабар бермоқда. Портлаш оқибатида 62 нафар киши зарар кўрган.

Полиция маҳкамаси вакилининг маълумот беришича, портловчи воситалардан бири чойхона яқинида, қолган иккитаси эса мева бозори ёнидаги автомобиллар тўхташ жойида ўрнатилган экан. Мазкур қўпорувчилик ҳаракатлари ислом сепаратистлари томонидан ташкиллаштирилган бўлиши мумкин, дея тахмин қилинмоқда.

Маълумотларга кўра, 2004 йилдан буён Таиланднинг жанубий вилоятларида содир этилган қўпорувчилик ҳаракатлари оқибатида 3300 нафар киши ҳалок бўлган. Бу ҳудудда, асосан мусулмонлар истиқомат қилишади.

Корея Республикаси:

ҚИРУВЧИ САМОЛЁТЛАР ТЎҚНАШИБ КЕТДИ

Жанубий Корея ҳарбий кучларига қарашли иккита қирувчи самолёти ўқув машқларини амалга ошириш чоғида тўқнашиб кетди. Associated Press агентлигининг хабар беришича, тўқнашув оқибатида самолётлардан бири ҳалокатга учраган.

Мазкур воқеа Сеулдан 46 километр шимолрокда жойлашган Пхочхон шаҳри ҳудудида рўй берган. Тўқнашган F-5E қирувчи самолётларидан бири шолипояга қулаб тушган, иккинчиси эса ҳарбий базага қайтган. Ҳалокатга учраган самолётнинг учувчиси самолётни тарк этишга улгурган.

Ҳозирда ҳарбийлар тўқнашув юз берган ҳудудда ракеталарни излашмоқда, улардан бирини топишга муваффақ бўлишди. Масъулларнинг таъкидлашича, мазкур тўқнашув оқибатида маҳаллий аҳолига зарар етмаган.

Мазкур самолётлар Сеулдан 130 километр шарқда жойлашган Вонджу шаҳри ҳудудидаги ҳарбий базадан учган. Айни пайтда ушбу воқеа сабаблари ўрганилмоқда. Шунингдек, Корея Республикаси Ҳарбий ҳаво кучларига тегишли барча F-5E самолётларининг ҳавога кўтарилиши вақтинчалик тўхтатилган.

Сурия:

ДАМАШҚДА АМЕРИКА МАКТАБИ ЁПИЛДИ

Сурия ҳукумати Дамашқда жойлашган Америка мактабини ёпишга қарор қилди. Associated Press агентлигининг хабар беришича, бу АҚШ ҳарбийлари томонидан Сурия ҳудудида ўтказилган махсус операцияга расмий Дамашқнинг жавобидир.

Душанба куни ўқитувчи ва ўқувчиларга мактаб биносини тарк этиш буюрилган. Муассасадаги мавжуд телефонларга автоматик тарзда жавоб берувчи мослама ўрнатилган бўлиб, унинг ёрдамида қўнғироқ қилганларга ҳукумат қарорига биноан мактаб ёпилганлиги маълум қилинмоқда. Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 30 октябрь куни АҚШнинг Дамашқдаги элчихонаси ҳам ўз фаолиятини тўхтатган эди.

КИМЁ САНОАТИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЯРМАРКАСИ

«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясида минерал ўғитлар, дефолиантлар, ўсимликларнинг кимёвий муҳофазаси воситалари ярмаркаси бошланди.

Ярмарканинг очилишида «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси ўринбосари Ҳ.Шерматов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида кимё саноатини барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, энергияни тежайдиган ҳамда экологик тоза технологияларни жорий этиш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 27 июлда қабул қилинган 2007-2011 йиллар мобайнида кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига оид қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бешинчи бор ташкил этилган мазкур ярмаркада Қўнғирот сода заводи, «Максам-Чирчиқ», «Самарқандкимё», «Навоийазот», «Аммофос», «Қўқон суперфосфат заводи», «Фарғонаазот», «Жиззахпластмасса» очиқ акциядорлик жамиятлари сингари юртимизнинг ўндан ортиқ корхонасида ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар, аммофос, супрефос, суперфосфат, карбамид каби бир юз эллик турга яқин маҳсулот намойиш этилмоқда.

— 2007 йили ўтказилган ярмаркада корхонамизда ишлаб чиқарилган ўттиз турдан ортиқ маҳсулот билан қатнашиб, 17 миллиард сўмлик шартнома имзолаган эдик, - дейди Навоийдаги «Электрокимёзаводи»нинг тайёр маҳсулотлар сотиш бўлими бошлиғи Исматилла Жумаев. — Ўтган бир йил мобайнида корхонамизда маҳсулот тури ва ишлаб чиқариш ҳажми янада кўпайди. Ушбу кўргазмада эллик турдаги маҳсулотни намойиш этяпмиз. Ярмарка давомида 30 миллиард сўмлик шартнома тузишни режалаштиряпмиз.

7 ноябргача давом этадиган мазкур ярмаркага ташриф буюрган қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари ва фермерлар кимёвий препаратлар ва минерал ўғитларни сотиб олиш бўйича музокаралар олиб бормоқда.

Х.САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

Орамиздаги одамлар

Фарғона вилояти

МЕҲНАТИДАН «ШУҲРАТ» ТОПДИ

Вилоят марказидан 125 чақирим узоқликда жойлашган тоғли Сўх тумани ўзининг бетакрор табиати, мусаффо ҳавоси, меҳнаткаш инсонлари билан маълум ва машҳур. Туманнинг 60 мингдан зиёд аҳолиси орасида юз ёш билан юзлашган нуроний онахон ва отахонлар анчагина.

Сўҳдаги «Истиқлол» маҳалласида умргузаронлик қилаётган, яқинда қутлуғ 108 ёшни қаршилаган Иноятхон момо Мастонова энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида давлатимиз раҳбарининг Фармонига биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланган эди. Яқинда шу муносабат билан онахоннинг хонадонига вилоят ҳокими Маматисоқ Боҳуров вилоят ва маҳалланинг бир гуруҳ фаоллари билан ташриф буюрди.

Момога вилоят ва туман ҳокимликларининг эсдалик совғалари топширилди.

Инсоният бошига ўнглаб бўлмас кулфат келтирган Иккинчи жаҳон урушининг илк кунларидаёқ турмуш ўртоғи Мастон Рустамовдан қорахат олган Иноятхон момо бир этак бола билан бева қолди. Ўшанда момо кечани кеча, кундузни кундуз, демай тер тўкди. Кетмон чопмас тошлоқ ерларда деҳқончилик билан шуғулланди, ёлғиз боши билан чеккан азоб-уқубатларини ҳеч вақт, ҳеч кимга билдирмади. Бу орада фарзандлари Адолатхон, Муҳаббатхон, Боборустам ва Нубувватхонлар онаизорнинг оғирини енгил қила оладиган дастёрларга айланишди...

Бугунги кунда Иноятхон момо Мастонова тўрт нафар фарзанд, юздан ошиқ невара, чевара ва эвараларнинг суюкли момоси. Уларнинг деярли барчаси турли соҳаларда меҳнат қилиб, халқ олқишига сазовор бўлиб келишаётир. Барчанинг чексиз меҳр-муҳаббати ҳамда эъзозу икромига муяссар бўлган момо, ўзининг фидойи меҳнати эвазига ҳур диёримизда қадр топаётган кўпсонли фахрийларимизнинг бир вакилидир.

Алижон МИРЗАБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

СУРАТДА: *Иноят момо ўғли Боборустам Мастонов билан.*

Шерзод Қорабоев олган сурат.

Азиз муштарий!
Севимли нашрингиз «MAHALLA»ни ҳамиша ҳамкор тутинг.

«MAHALLA»га обуна бўлсангиз, йил давомида қизиқарли нашр сизнинг ҳамроҳингизга айланади.

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ



Бухоро шаҳридаги "Шоҳжаҳон ния" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган шифер турдош корхоналар маҳсулотларидан юқори сифати билан кескин фарқ қилади.

— Замонавий технологиялар асосида ишлаётган корхонамизда цемент ва асбестдан фойдаланилмайди, – дейди жамият раиси Собир Болтаев. – Маҳсулотларимиз пишиқлиги каустик магнезит кукуни, поливинилид аралашмалари, маҳаллий материаллар – қум ва ёғоч қипиқларини ишлатишимиз билан боғлиқ.

Технологиясида асбест қўлланилмайдиган шиферлар экологик жиҳатдан хавфсиздир. Айни пайтда корхона маҳсулотларига буюртма кўпайиб бормоқда. Бу ерда кунига 200 дона шифер тайёрланаётган бўлса, яқин орада бу кўрсаткич икки баравар ошиши кутилмоқда.

Тошкентда бўлиб ўтган Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасида корхонада ишлаб чиқарилаётган рангли шиферлар, термовакуум ёрдамида тайёрланаётган эшиклар, шип ва девор қопламалари намойиш этилди.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири.

«Mahalla» жавоб беради

Савол: **Пойтахтда вақтинча яшаш учун рўйхатдан ўтганман. Доимий яшаш манзилим Сурхондарё вилоятида. Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун Тошкент шаҳрида ўқишим мумкинми?**

Ф.Эсонов, Термиз шаҳри.

Жавоб: *Тегишли тартибларга кўра, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун фуқаролар доимий ёки вақтинча яшаш жойида ўқиши мумкин. Агар сиз Тошкент шаҳрида вақтинча яшаш учун рўйхатдан ўтган бўлсангиз, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун пойтахтда ўқиш имкониятига эгасиз.*

«Mahalla» жавоб беради

Савол: **Фарзандим 6 ёшга кирди. Уни мактабнинг 1-синфига қабул қилишадими?**

Н.Мирзаева, Бектемир тумани.

Жавоб: *6 ёшга тўлган фарзандни ота-она мактабга беришни истаса, у махсус комиссиялар кўригидан ўтиши керак. «Умумий таълим тўғрисида»ги Низомга асосан (Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сон қарори билан тасдиқланган) болалар умумтаълим мактабларига тиббий, психологик, педагогик комиссияларнинг тавсиясига асосан 6-7 ёшдан қабул қилиниши мумкин.*

Қилмиш-қидирмиш

Фарғона вилояти

ТАДБИРКОР НИҚОБИДАГИ ҚАССОБ!

Тадбиркорлар ва фермерларга банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилаётгани мамлакатимизда халқ истеъмоли моллари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўлами ортишига омил бўлмоқда. Афсуски, яратилаётган имкониятлардан ноқонуний равишда фойдаланишга уринаётган «ишбилармонлар» ҳам учраб турибди.

Тошлоқ туманида якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркор F.Солиев ноқонуний йўл билан бойиш режасини тузиб, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Марғилон шаҳар бўлимидан қорамол сотиб олиш учун уч йил муддатга 900.000 сўм кредит олди. Буни қарангки, у ўзи сингари тадбиркор Р.Солиевадан беш бош қорамол сотиб олганлиги тўғрисида қалбаки шартнома тузишга ҳам улгуради. Шундан сўнг у кредит маблағини ўзининг шахсий эҳтиёжларига харжлаб юборади. Худди шунингдек, Охунбобоев туманида истиқомат қилувчи А. Турсунов ҳам туман ҳокимининг қарори билан акаси номига якка тартибдаги деҳқон хўжалиги ташкил этиб, 0,12 гектар томорқа майдонида фаолият кўрсатиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани қўлга киритади. У қоғоздагина фаолият юритувчи деҳқон хўжалиги учун Халқ банкининг Охунбобоев тумани бўлимида ҳисоб рақамини очиш, ҳаттоки, юмалоқ муҳр ва бурчак тамғасини қўлга киритишни ҳам уддалайди. А. Турсунов бу хатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни талабларини қўпол равишда бузган. Қонунбузар оила аъзолари билан ихтиёридаги томорқа ер майдонида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш ўрнига деҳқон хўжалиги низомида кўрсатилмаган ишлар билан машғул бўлиб келган. Яъни, белгиланган тегишли тўловларни, жумладан, даромад солиғини тўламаслик мақсадида ноқонуний ишларини давом эттирган. Мол бозорларидан ва фуқаролардан қорамоллар сотиб олган ва сўйиб, гўштини пуллаган. Оддий қилиб айтганда, сохта тадбиркор қассоблик қилиб, даромадни чўнтакка уриб юраверган. Албатта, унинг бу қилмишлари фош бўлди. Сохта тадбиркор фаолиятига қонуний тарзда чек қўйилди ва унга нисбатан маъмурий жазо қўлланиб, катта миқдорда жарима белгиланди.

«Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади» деган гап бекорга айтилмаган. Нафақат тадбиркорлик, балки ҳар қандай ишда ҳам сохталикка йўл қўйилиб, эл-юрт манфаатига дахл қилиндими, бу қинғирлик фош бўлмай қолмайди, албатта. Қонунбузарларнинг тегишли жазони олгач, афсус-надомат чекканларидан фойда йўқ. Бу ҳолатлардан «Шундай қилсаму, меҳнат қилмай мўмай даромад орттирсам», деган ҳомҳаёлда юрганлар сабоқ чиқарсалар, ажабмас.

Алижон МИРЗАБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

"Mahalla" меҳмони

Ҳар бир инсон шаънига

ХОЛИС ВА ҲАҚҚОНИЙ БАҲО

маҳалладошлари томонидан берилади

Филология фанлари доктори, профессор Абдуғафур Расулов илмий фаолиятни ёш авлод тарбияси билан биргаликда олиб бораётган юртдошларимиздан. Олим ўнлаб китоблари, долзарб илмий-танқидий мақолалари билан ўзбек адабиётшунослиги, хусусан, танқидчилиги ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Самарали меҳнатлари, ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялашдаги улкан хизматлари учун "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи", "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" унвонлари билан тақдирланган. А.Расулов жамиятда, адабий жараёнда рўй бераётган янгиликларни синчковлик билан кузатиб, унга муносабат билдириб боради, маҳалла тизими ишида фаол иштирок этади.

— Домла, халқимизда "Отанг маҳалла — онанг маҳалла" деган ибора бор. Маҳалла ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб кетган. Шундай эмасми?

— Ҳар биримиз маҳаллада туғилиб ўсганмиз, маҳаллада яшаймиз, унинг тартиб-қоидаларига амал қиламиз. Маҳалладошлар бир-бирининг яхши-ёмон кунларида бирга бўлишади, ғамига, қувончига шерик бўлади. Маҳалланинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини ҳам бошқа ҳеч қандай восита билан тенглаштириб бўлмайди. Шу маънода маҳаллани ҳаётимизга сингиб кетган, урф-одатларимиз ёркин намоён бўладиган маскан сифатида таърифласак, тўғри бўлади.

Ўйлаб кўрсам, маҳалла ишида 1952 йилдан буён иштирок этиб келаётган эканман. Мен пойтахтимизнинг қадимий «Чақар» маҳалласида туғилиб ўсганман. Маҳалламиз оқсоқоли Худойберди ота кўпни кўрган, тажрибали инсон бўлса ҳам, хат-саводи йўқ эди. Шу боис аҳолини рўйхатга олиш, ҳужжат юритиш сингари ишларга мактабнинг юқори синф ўқувчиларини жалб қиларди. У кишининг ёнида юриб, ҳаётни кўрдим, инсонлар билан қандай муносабатда бўлишни ўргандим.

Ўтмишга назар ташласак, маҳалла нотариус, юрист вазифасини ўтаганини кўрамиз. Зарур ҳолларда маҳалла оқсоқоли ва фаоллари гувоҳлар иштирокида уй-жойларни, мол-мулкни рўйхатга олишган. Бундай далолатномаларни тузишдан мақсад турли можароли ҳолатларнинг олдини олиш бўлган.

Мени мактаб остонасига илк бор етаклаб борган инсон ҳам маҳалла раиси эди. Бу вазифани уруш пайтида Ҳалима Абдуллаева деган ёшгина аёл бажарган. У маҳалладаги ўқиш ёшига етган болаларни йиғиб, ўзи мактабга олиб боргани эсимда.

Мен маҳаллани жамият ичидаги кичик бир жамият, яъни адолат устувор бўлган маскан, деб биламан. Оддий бир мисол, маҳалланинг инсонга берган баҳоси холис ва ҳаққоний бўлади. Кўпчилик қиз узатмоқчи ёки ўғил уйлантирмоқчи бўлса, қуда бўлмиш ҳақида маҳалла аҳлидан сўраб-суриштиради. Чунки маҳалла аҳли суриштирилаётган оиланинг яхши томонини ҳам, ёмон томонини ҳам очиқ-ойдин айтади, бундай нозик вазиятда холис туради.

Афсуски, айрим кишилар маҳаллага пул тарқатиладиган жой деб қарайди. Бу маҳалла ишининг асл моҳиятини тушунмасликдан келиб чиқади.

— Маҳалла оқсоқоли бевосита халқ билан ишлайди. Давлат сиёсатини халққа етказиш ва бу жараёнда фуқароларнинг иштирокини таъминлаш, фаоллигини ошириш маҳалла оқсоқолига катта масъулият юклайди. Сизнингча, бугунги кун оқсоқоли қандай фазилатларга эга бўлиши керак?

— Қадимий тарихга эга бўлган маҳалла минг йиллар давомида ҳаёт синовларидан, тажрибадан ўтиб келмоқда. Унинг барҳаётлигининг сири сунъий тузилма эмаслигида. Маҳалла демократияга асосланган, миллий шарт-шароитлар натижасида шаклланган одил жамият сифатида юзага келган. Ана шундай йиғинга бош бўладиган инсоннинг зиммасидаги вазифа ҳам, масъулият ҳам шунга яраша бўлади. Оқсоқол энг аввало, киришимли бўлиши керак. Чунки у маҳалланинг ҳар бир аъзоси билан бирдек тил топиша олиши шарт. Зарур бўлса, ўзидан каттага ҳам тўғри йўл кўрсата оладиган, кичикка қулоқ соладиган даражада оқил бўлиши керак. Иккинчидан, саховатли бўлиши, қўлидан келганча бировни қўллаб-қувватлайдиган, оғир кунларда суяйдиган бўлиши лозим. Учинчидан, оқсоқолнинг табиатида дангалчилик, бироз чапанилик бўлса, зарар қилмайди, менимча. Чунки шундай вазиятлар бўладики, масалани ўз ўрнида ҳал этиш, зудлик билан қарор чиқариш зарур бўлади. Айниқса, бу фазилат оилавий ва қўни-қўшнилар ўртасидаги можароларни ҳал этишда жуда қўл келади. Энг муҳими, бу вазифага таъмагирликдан йироқ инсонлар сайлангани маъқул.



Мен халқ эътиборини, меҳрини қозонган жуда кўп оқсоқолларни танийман. Салкам 50 йилдан буён Дўмбиробод маҳалласида истиқомат қилиб келмоқдаман. Маҳалламизга қарийб ярим аср мобайнида Абдуусмон Абдуллаев бошчилик қилганлар. Айни пайтда Абдуусмон ака 87 ёшда. Лекин ҳаётини маҳалласиз, унинг қувончу ташвишларисиз тасаввур қилолмайдилар, йиғин идорасига чиқиб, маслаҳатлар бериб турадилар.

Шу кунларда маҳалламизда сайловга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Маҳалла фаоллари, ҳудудимиздаги 131-мактаб ўқитувчилари ҳамда 244-боғча ходимларидан иборат ишчи гуруҳи комиссияси тузилган. Ҳафтасига бир маротаба комиссия мажлисини ўтказиб, қилиниши лозим бўлган ишларни режалаштириб оламиз. Қувонарлиси шундаки, маҳалламизда оқсоқолликка номзодлар кўп ва уларнинг ҳар бири бу вазифага муносиб. Номзодларнинг кўплиги улар орасидан энг муносибини танлаш имконини беради.

— Домла, ўзбек адабиётида бевосита маҳалла мавзуси ёритилган асарлар жуда кўп. Қолаверса, халқимиз ҳаётидан олиб ёзилган бирон асар йўкки, унда маҳалла-кўй, қўни-қўшничилик муносабатлари, урф-одатларимиз, қадриятларимиз озми-кўпми даражада акс этмаган бўлса.

— Шу боис ҳам бундай асарлар севиб ўқилади-да. Айтмоқчиманки, халқимизнинг турмуш тарзи маҳалла билан узвий боғлиқ. Энди ўйлаб кўринг, шу халқнинг вакилини маҳалладан айириб тасвирлаш мумкинми? Ўзбек адабиётида бевосита маҳалла ҳаёти ёритилган асарлар қаторига Султон Акбарийнинг "Менинг маҳаллам", Саида Зуннунованинг "Қўшниларим", Мақсуд Шайхзоданинг "Тошкентнома" ва яна бошқа кўплаб асарларни киритиш мумкин. Шунингдек, бу мавзу Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Саид Аҳмад асарларининг ҳам мазмунмоҳиятига сингдирилган. Улар томонидан яратилган асарларнинг халқчиллиги, ўқишлилигининг сабаби ҳам шунда.

— Суҳбатдошларимиздан бири маҳаллада ҳар хил табиатли одамлар яшашини, уларнинг ҳар бири қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиниши айтган эди. Бу борада сизнинг фикрингиз қандай?

— Маҳалла бир оиладек гап. Ота-она учун боланинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам баробар. Ота-она яхши фарзандини суйиб эркалагандек, маҳалладошлар ҳам ўз ораларидан чиққан таниқли, машҳур кишилар билан фахрланишади. Маҳаллада яшаб-ўтганлар ёди унинг қандай инсон бўлганидан қатъи назар унутилмайди. Маҳалламиз аҳли Эрмон бува деган кишини ҳануз ёдга олиб туради. Эрмон бувани ким фарзандининг тириклигига ишонар, неча йиллар ўтса ҳамки уни умид билан кутарди. Кута-кута эсдан оғган отахон кимни кўрса, ўғли эрта-индин келиб қолишини айтарди. Кўнглига озор етказмаслик учун ҳеч ким унга тўғрисини айтмас, ўғли, албатта, келишини, ҳали донғи етти маҳаллага етадиган тўйлар қилишини айтиб, юпатарди.

Маҳалламиз ҳудудида бир гектарлик боғ бор. Ана шу боғ менинг ҳам энг севимли жойим, ҳам қувончим, ҳам ташвишим. Боғдаги дарахтларни бирма-бир эринмай санаб чиққанман — 370 та. Бу дарахтларнинг ҳар бири менга қадрдон, улар билан гаплашаман, дардлашаман. Маҳалладошларимиз орасида боғнинг Асил Шосолиҳов, Раҳмонберди Кенжаев, Ғуломназир Назаров, Абдуллажон Орипов сингари жонкуярлари ҳам бор. Боққа меҳр қўйганимизнинг боиси азбаройи атроф-муҳитнинг мусаффолиги учун қайғурганимиздан. Ёзнинг жазирама кунларида одамлар бу ерда ҳордиқ чиқаришади, болалар яйраб ўйнайди. Лекин боғ доимий парваришга муҳтож. Ҳашар уюштириб, қуриган дарахтларни ўрнига янги кўчатлар ўтқазиш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Чунки бу боғ маҳалламизнинг кўрки. Қолаверса, ҳар бир маҳалланинг ана шундай сўлим гўшаси бўлганига нима етсин!

Шаҳноза ЭРГАШЕВА суҳбатлашди.

СУРАТДА: *А.РАСУЛОВ набиралари билан.*

Спорт

Тошкент шаҳри

ЗАМОНАВИЙ ЎЙИНГОҲ ЁШЛАР ИХТИЁРИДА

Шайхонтоҳур туманидаги «Чўпон-ота» маҳалласига борганимизда болаларнинг шўхшодон қийқириқлари диққатимизни тортди. Шу орадаги ўйингоҳда маҳалла ёшлари футбол бўйича беллашувга зўр иштиёқ билан киришган экан.

— Спорт майдони қурилганидан буён маҳалламиз ёшлари чинакам спорт шайдосига айланди, — дейди маҳалла фаоли Абдураззоқ Маҳкамов. — Ҳозирда маҳалламизда тўртта жамоа ташкил этилган. Улар маҳаллалараро спорт мусобақаларида ғолибликни қўлдан бермай келишмоқда.

— Шу вақтгача болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун шароит деярли йўқ эди, — дейди маҳалла оқсоқоли Ҳамид Акбаров. — Фаоллар билан маслаҳатлашиб, мактаб ёнидаги ташландиқ жойни спорт майдонига айлантирдик. Маҳалла аҳолиси ва ҳомийларимиз ёрдамида спорт анжомлари сотиб олдик. Мана, етти йилдирки, замонавий ўйингоҳ ёшлар ихтиёрида. Ёшларимиз теннис корти ва баскетбол майдончасида бўш вақтларини мазмунли ўтказмоқда.

Тренажёрлар залида мураббий Ғанишер Шоғуломовни маҳалла ёшлари билан машғулот ўтказаётган пайтда учратдик.

— Машғулотларга ён-атрофдаги маҳаллалардан ҳам йигитлар келишади, — дейди каратэ бўйича спорт устаси, қора белбоғ соҳиби Ғанишер Шоғуломов. — Бу ерда замон талабларига жавоб берадиган жиҳозлар бор. 16 ёшдан катта йигитлар махсус жадвал асосида шуғулланишади. Бу машғулотларда йигитлар нафақат жисмонан, балки руҳан чиниқадилар. Жисмоний-руҳий бақувватлик уларнинг келгуси ҳаётида асқотиши аниқ.

Бектош ИСМОИЛОВ, «Mahalla» мухбири.

Кўргазма

Жиззах вилояти

«ЎЛКАМИЗДА — ОЛТИН КУЗ»

Жиззах вилоятида санъат асарлари ихлосмандларига катта қизиқиш билан қаралиб, улар меҳнати ўз вақтида рағбатлантирилмоқда. Бу ҳолат тасвирий ва фото асарлари кўрик-танлови кўргазмаларининг ҳам қизиқарли тарзда ўтишига сабаб бўляпти.

Яқинда «Маҳалла» жамғармаси Жиззах шаҳар бўлинмаси ташаббуси билан Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юртида «Ўлкамизда — олтин куз» мавзусида расмлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбирда шаҳардаги мактаб ва лицейларнинг ўқувчилари иштирок этди.

Кўргазма якунлари бўйича тасвирий санъат лицейи ўқувчиси Охунжон Шукуров — биринчи, 16-мактаб ўқувчиси Ойбек Турсунов иккинчи ўринни эгаллаб, тадбир ғолиби бўлишди. Авиация билим юрти суратчиси Гулнозахон Умаркулова эса танловнинг энг яхши иштирокчиси деб топилди. Кўргазма ғолибларига «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлинмаси ҳамда Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юрти раҳбариятининг эсдалик совғалари топширилди.

Абдували ҚАРШИЕВ, «Mahalla» мухбири.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Кўчмас мулк, мерос билан боғлиқ муаммоларингиз айни кунларда ўз ечимини топиши кутилмоқда. Соғлиғингизга эътиборлироқ бўлинг.

СИГИР(22.04-20.05)

Айни кунларда ҳаётингизда турли нохушликлар содир бўлиши мумкин. Бундай вазиятда айбдорни изламасликка ҳаракат қилинг.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Шу кунларда ҳаётингиз серташвиш ва мазмунсиз кўринаши мумкин. Бундай кайфиятдан қутулишда маданий ҳордиқ ҳам самаралидир.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Ҳафта янги режа ва мақсадларни амалга ошириш учун қулайдир. Иш билан бир қаторда ҳордиқ чиқаришни ҳам унутманг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Ҳафта давомида юзага келадиган турли муаммо ва масалалар ечимида оила аъзоларингиз маслаҳатига таянганингиз маъқул.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Фарзандларингиз ва оила аъзоларингизга эътиборлироқ бўлишга ҳаракат қилинг. Ушбу ҳафтада молиявий масалалар билан шуғулланманг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Орзуларингизни тартибга солишингиз керак. Ушалмас орзулар ортидан қувгандан кўра, бажарилмаган юмушлар билан шуғулланинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Оилангизда турли келишмовчиликлар келиб чиқишини истамасангиз, оила аъзоларингиз эркаликларини кўтаришингизга тўғри келади.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Шу кунларда ижодий салоҳиятингиз раҳбарлар ва ҳамкасблар томонидан юқори баҳоланиши кутилмоқда.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Яқин кунларда қизиқарли янгиликлардан бохабар бўлишингиз мумкин. Яқинларингиз ҳолидан хабар олишни унутманг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Ҳаётингизда турли янгиликлар ва ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Шу кунларда самарали харидлар қилишингиз кутилмоқда.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Молиявий муаммолар ечимини кейинроққа қолдирганингиз маъқул. Дам олиш кунларини табиат қўйнида ўтказиш фойдали.

Кўрик-танлов

РАСМЛАРДА АКС ЭТАР ДУНЁ

Инсон маънавиятини юксалтиришда санъат беқиёс қудратга эга. Санъат воситасида етказилган ҳар қандай маълумот қалбга чуқур ўрнашади, киши онгу шуурига кучли таъсир этади. Шундан келиб чиқиб, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни, фуқаролар йиғинлари фаолиятини фотография санъати орқали ёритиш ва тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан анъанавий «Маҳалладан бошланур Ватан» республика фото кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида қўшма қарор қабул қилинган эди.

Кўрик-танлов Низомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан профессионал ва ҳаваскор фотосуратчилар, шунингдек, чет эл фуқаролари ҳам ўз ишлари билан танловда иштирок этишлари мумкинлиги белгиланган. Танловга тақдим этиладиган ишларга қўйиладиган асосий талаб миллий анъана ва қадриятларимизни, ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги мавқеи ва ролини кўрсатиб бериш, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини ёритишдан иборат. Шу билан бирга, фотоасарларда фуқароларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларидаги фаоллиги, қолаверса, маҳаллаларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, қўни-қўшнилар ўртасидаги муносабатларни, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашдаги ўрни билан боғлиқ жиҳатлар ҳам акс эттирилиши зарур.

Иккинчи бор ўтказилаётган кўрик-танловнинг айни пайтда ҳудудий босқичлари ниҳоясига етди. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Навоий, Тошкент, Жиззах, Қашқадарё, Фарғона ва Наманган вилоятлари томонидан республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган иштирокчиларнинг аризалари ҳамда фото ишлари танловнинг ташкилий қўмитасига тақдим этилди.

Бу галги танловда иштирок этиш истагини билдирган муаллифлар орасида тажрибали ва ҳаваскор фотосуратчилар, турли касб эгаларининг борлиги қувонарлидир. Хусусан, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 2-мактабнинг 8-синф ўқувчиси А.Мажидов ўзининг ҳар хил мавзудаги 7 дона, Ангрен шаҳрида истиқомат қилувчи пенсионер А.Шарбоков 10 дона, Фарғона вилояти Қува туманидан ўқитувчи Ш.Қорабоев 17 дона фотосурати билан иштирок этмоқда.

Кўрик-танловнинг республика босқичи ғолиблари аниқлангач, энг сара ишлар асосида Тошкент Фотосуратлар уйида фотокўргазма ташкил этилиши режалаштирилган.

МУХБИРИМИЗ

Маҳалламиз тарихи

Бухоро вилояти

«КЎЛИУШТУРУМ» — ЧЕКИНУВЧИ КЎЛ(МИ?)

Юртимиздаги деярли ҳар бир ҳудуднинг, шу жумладан, қишлоқ ва маҳаллаларнинг у ёки бу тарзда номланиши билан боғлиқ қизиқарли тафсилотлар борки, уларни эшитгач, киши ҳайратга тушиши мумкин.

Кўлиуштурум — Бухоро туманининг қўшни Навоий вилояти билан чегарадош қисмида, Зарафшон дарёси яқинида жойлашган қишлоқ. «Кўлиуштурум» сўзи бир жойда узоқ турмас, яъни муайян муддатда тўлиб, вақт ўтиши билан чекинувчи кўл, деган маънони англатади. Қишлоқнинг қайси даврда пайдо бўлгани тўғрисида аниқ маълумот сақланиб қолмаган. Бухоронинг XV-XVI асрлардаги тарихига оид айрим манбаларда ушбу қишлоқнинг номи учрайди. Ана шу манбаларга асосланса, қишлоқнинг анчагина қадимий экани аён бўлади. Хусусан, Кўлиуштурум қадимий Бухорода энг ширин ва хушбўй қовунлар етиштирилган ҳудудлардан бири сифатида қайд этилади.

Қишлоқнинг ёши улуғ кишилари эътирофича, мазкур қишлоқ аҳли жуда қадим замонлардан бери лалмикор ерларда қовун етиштириб келган. Кўлиуштурумлик деҳқонларнинг уруғ қадашдан олдин ерга, уруғликка ишлов бериш, кўчатларни парваришлаш ва қовундан қоқи, шинни, мураббо тайёрлаш борасида ўзига хос усуллари бўлганки, бу усулларни фақат ўз авлодларига ўргатишган. Кўлиуштурумда етиштирилган қовунлар ширинлиги ва хушбўйлиги боис харидоргир бўлган.

Ҳар йили кеч баҳорда кўл суви чекингач, қишлоқ ён-атрофидаги қўриқ ерларда қизғин равишда деҳқончилик ишлари бошланган. Қишлоқ деҳқонлари етиштирган каллабўри, оқ, кўк ва сариқ гулоби, қамишбарги каби кўплаб қовун навлари қадимда жуда машҳур бўлган. Ҳатто, Ҳиндистон, Хитойдан келган карвонлар савдогарлари ҳам айнан Кўлиуштурумнинг қовунларидан кўтарасига сотиб олишган экан. Кўлиуштурумлик деҳқонларнинг энг сўнгги вакилларидан бири, марҳум Яраш бобонинг номини ҳамқишлоқлари ҳурмат билан ёдга олишади. Яраш бобо кўп йиллар давомида қўриқ ерларда қовун, полиз экинлари етиштириш борасида энг билимдон ва тажрибали кишилардан саналган. Ўша даврда халқаро миқёсда ўтказилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмасида Яраш бобо ўзи етиштирган қовунлар билан иштирок этиб, бир неча бор совриндор ҳам бўлган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар, пахта яккаҳокимлиги йилларида қўриқ ерлар ўзлаштирилиб, шу кўйи кўлиуштурумликлар қовун етиштирмай қўйишди.

Хўш, Кўлиуштурум қовунлари ўзига хослигининг сири нимада? Ахир юртимизнинг кўплаб ҳудудларида лалмикор ерларда полиз экинлари етиштирилади-ку!

Қишлоқ кексалари шундай ривоятни сўзлайдилар: қадимда маҳаллий деҳқонлардан бири қовунлар айни пишиб етилган кунларнинг бирида «Эрта тонгдан қовунларни узаману, бозорга элтаман» деган ўй-хаёл билан ўтирган жойида пинакка кетибди. Тушида унга бир нуроний чол тунда қовунларнинг эти ва уруғига ажиб хушбўйлик ва шира югуришини, тонг отгач эса ўша хушбўйлик ва шира палакка қайтишини таъкидлабди. Ўшандан бери кўлиуштурумлик деҳқонлар қовунни фақат тунда узишаркан, бу қовунларнинг ўзига хос таъми ва иси шундан экан.

Бу ривоятнинг қай даражада ҳақиқатга яқинлигини билмаймиз, албатта. Ҳарҳолда, бу қишлоқ аҳли ўз манзили тарихи билан фахрланишади.

Бахтиёр ЙЎЛДОШЕВ, Бухоро туманидаги «Туркон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Mahalla

МУАССИС: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар: 236-53-93, 236-55-69, 236-57-62, Факс: — 233-44-25

Таҳрир ҳайъати: Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 2 босма тобоқ.

Бахоси келишилган нархда

Навбатчи муҳаррир: Бектош Исмоилов

Мусаҳҳиҳ: Ҳамза Абдуллаев

Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

11426 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1020 2 3 4 5 6 Топширилди — 00.15